

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**«АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ» КАФЕДРАСИ**

**«ИНФОРМАТИКА ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ»**

**ФАНИДАН**

# ***РЕФЕРАТ***

**МАВЗУ : АГРОСАНОАТ МАЖМУАСИНИНГ АХБОРОТ**

**ТАЪМИНОТИ**

**1-курс 19-15 гуруҳ талабаси:**

**М. УСМОНОВ**

**ГУЛИСТОН 2016**

## **РЕЖА:**

### **Кириш**

- 1. Агросаноат мажмуасида ахборот таъминоти ҳақида тушунчалар**
- 2. Агросаноат мажмуасида ахборот технологияларини қўлланилиши**
- 3. Агросаноат мажмуасида ахборотлар тахлили ва уларни бошқаришни таркибий тузилиши**
- 4. Агросаноат мажмуасида ахборот тизимлари тушунчалари**
- 5. Агросаноат мажмуаси тизимида ахборот тизимини ташкил этиш ва бошқаришни ривожлантириш йўллари.**
- 6. Қишлоқ хўжалигида ахборот тизимини қуриш**
- 7. Қишлоқ хўжалиги да ахборот маслаҳат хизматларини қўллаш ва ривожлантириш**

### **Хулоса ва таклифлар**

### **Фойдаланилган адабиётлар**

## К и р и ш

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси агросаноат мажмуасида асосий воситалар ишлаб чиқарувчи тармоқларнинг ривожланишига эътибор жуда катта. Республика агросаноат мажмуаси тармоқлари, айниқса, қишлоқ хўжалиги фан ютуқлари, янги техникалар, иш қуроллари, ахборот коммуникация технологияларсиз жадал ривожлана олмайди. Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги ва унинг маҳсулотларини қайта ишлаш саноатини янги замонавий техника ва технологиялар билан таъминлашга катта эътибор берилмоқда.

Ушбу тармоқларнинг рақобатбардошлигини оширишнинг асосий йўналишлари ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш, ишлаб чиқариш жараёнларини кимёлаштириш, электрлаштириш, механизациялаштириш ва компьютер технологияларидан фойдаланиб автоматлаштиришдир.

Мамлакат агросаноат мажмуасининг халқаро алоқларини ривожлантириш, халқаро Интернет ахборот ресурсларидан фойдаланиш, Интернетда жойлашган қишлоқ хўжалигига оид дунё мамлакатлари таржибалари ва илғор технологияларидан оқилона фойдаланиш катта ижобий амалий аҳамиятга эга. Бугунги кун дунё давлатлари тараққиёти шу даражага етдики уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлиги алоҳида олинган давлат иқтисодиётининг натижаларида тобора кўпроқ салмоққа эга бўлмоқда. Мамлакатлараро, дунё иқтисодиётида интеграциялашув жараёни кучайиб кетди. Бу ўз навбатида дунёда мавжуд илғор техника ва технологиялардан, молиявий ресурслардан кенгроқ фойдаланишни талаб қилади. Бунда, албатта замонавий ахборот коммуникация технологияларни урни бекиёсдир.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ахборот-коммуникация технологиялари хизматлари кўрсатиш хажмининг юқори суръатлар билан бораётганлиги асосан алоқа, молия, банк тизими, телерадио компанияси кабиларнинг хисобига амалга оширилмоқда.

## **1. Агросаноат мажмуасида ахборот таъминоти ҳақида тушунчалар**

Агросаноат ишлаб чиқариши ва шу мажмуада ахборот таъминоти ва ахборот хизматлари кўрсатиш ягона мажмуа сифатида шаклланиши, ишлаб чиқариш кучлари ва муносабатларининг ривожланиши жараёнида юз берган қонуний ҳолат қайд этилди. Энди унинг яхши ва самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш иқтисодиёт олдида турган биринчи даражали вазифа эканлигини таъкидлаш лозим бўлади. Бунинг учун эса агросаноат мажмуаси ва унинг тармоқ корхоналарининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда маркетинг фаолияти ва унга ахборот хизматлари кўрсатиш тизимлари ривожлантириш масаласига эътибор қаратиш муҳим аҳамийтга эга. Бевосита агросаноат тизими мажмуасида ахборот хизмати кўрсатиш масаласига тўхталиб айтиш лозимки, таҳлил натижаларига кўра ҳозирги кунда мажмуа ва унинг вертикал ва горизонтал йўналишлар бўйича бевосита ахборот, шу жумладан маркетинг ахборот хизмати кўрсатиш билан шуғулланувчи ихтисослашган таркибий тузилма мавжуд эмас. Мажмуа таркибига кирувчи тармоқ вазирликлари, компания, уюшма, холдингларнинг таркибида ахборот таҳлил ва маркетинг бўлимлари ёки бошқармалари фаолият кўрсатади. Ушбу бўлимларнинг асосий вазифаси қўйи ва турдош ташкилотлардан ахборот ва маълумотлар олиш, жамлаш ва ўз навбатида тегишли юқори ташкилотларга тақдим этиш билан шуғулланади. Худди шундай маркетинг бўлимлари ҳам асосан буюртмалар олиш ва маҳсулотларни бажарадилар. Бундай ҳолат эса улар фаолияти самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади.

Республика агросаноат мажмуасининг миллий иқтисодиёда тутган ўрни ва аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда мажмуа ва уннинг таркибига

кирувчи вазирлик, корхона ва ташкилотларда ҳам вертикал, ҳам горизонтал тартибда ишловчи ва хизмат кўрсатувчи алоҳида юридик мақомга эга бўлган ташкилот тузиш мақсадга мувофиқ. Мазкур ташкилот таркибида эса ахборот таъминота ва хизматлар кўрсатувчи турли жумладан маркетинг ахборот хизмати кўрсатиш каби бўлинмалар ташкил этиши мумкин бўлади.

Агросаноат мажмуаси корхоналарида маркетингни ташкил этиш ва уларда маркетинг ахбороти тизимини яратиш масаласида маркетинг ахбороти тизимини шакллантирмасдан туриб, уларнинг бозор иқтисодиёти шароитида самарали фаолият кўрсатиши мумкин эмас. Корхонада маркетингнинг асосий мақсади белгиланган вақт чегарасида ва фаолияти маблағлар билан таъминланиши доирасида рентабелликни таъминлаш ва белгиланган хўжалик ҳисобидаги фойдани олишдан иборат.

Агросаноат мажмуаси корхоналари, асоциациялари фаолиятининг маркетинг хизматлари бўйича таҳлил шуни кўрсатадики, бажарилаётган вазифаларнинг асосий қисми тижорат хизматлари бўлинмалари зиммасига юклатилган. Шу сабабли маркетинг хизматини тижорат блоки асосида ташкил қилиш мақсадга мувофиқ кўринади.

Агросаноат мажмуаси шароитларида корхонанинг самарали фаолият юритиши учун айнан ўхшаш ахборотларни олиш ва кейин бошқарув қарорларини қабул қилиш керак. Бу хусусан маркетинг тадқиқотлари билан боғлиқ. Маркетинг тадқиқотлари жароёни ўз ичига бир қатор операцияларни олади. Бунда барча ҳаракатлар белгиланган тартибда бажарилади, яъни иккиламчи ахборот корхона текширилиши зарур бўлган муаммо ёки масалани белгилаб олгунига қадар ўрганилмайди, бирламчи ахборот эса иккиламчи ахборот синчиклаб ўрганиб чиқилмагунига қадар йиғилмайди.

Бирламчи маълумотлар ҳар доим керак эмас, кўп ҳолларда муаммони уларсиз ҳам ҳал қилиш мумкин.

Агросаноат мажмуаси тадқиқотини доимо ҳаракатланувчи интеграциялашган ахборот жараёнининг бир қисми сифатида кўриб чиқиш мумкин ва шу мақсадда корxonанинг автоматлаштирилган ишчи жойи заминида қишлоқ хўжалиги корxonаси ахборот тизимини яратиш мақсадга мувофиқдир.

## **2. Агросаноат мажмуасида ахборот технологияларини қўлланилиши**

Агросаноат мажмуасини долзарб муаммоларидан бири қишлоқ туманларида янги ахборот технологияларини етарлича фойдаланмаслиги оқибатида ҳамда интеллектуал ва маданий мухитни етарлича ривожланмаганлиги сабабли бошқарув қарорларини қабул қилиш тезкорлиги ва самарадорлигини анча пастлигидир.

Бир қатор объектив сабабларга кўра қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бошқарувидаги чет эл дастурий воситалари бизни шароитимизда қўлланилиши анча қийиндир. Дастурий ва техник воситаларни ўта юқори баҳоси ва махсулотларни етиштириш технологиясидаги фарқлар. Мавжуд ахборот технологиялари ўсимликшунослик соҳасини автоматлаштирилган бошқаруви учун зарур масалаларни ечмайди. Шу сабабли геоинформацион тизимлар (ГИТ) асосида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини автоматлаштирилган бошқариш тизимини ишлаб чиқиш зарурати туғилди. Шу сабабли ер участкалари, ердан фойдаланувчилар, уй-жойлар ва иншоотлар ҳақида маълумотларни жамғаришни амалга оширувчи автоматлаштирилган аппарат-дастурий воситалар ишлаб чиқиш таклиф этилади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг автоматлаштирилган бошқариш тизими асосида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ишлаб чиқаришни жорий мониторинги, тупроқни аэроэкологик тавсифномаси мониторинги, хўжаликни техник имкониятлари ётади. Мониторинг ва илмий билимлар асосида қишлоқ хўжалиги ишларини режалаштириш содир бўлади.

Режалаштирилган ишлар ва хўжаликка таъсир қиладиган ташқи омилларга боғлиқ ҳолда амалий тадбирларни ҳисобга олиш асосида иш юритилади. Режа-лаштирилган ва амалда бажарилган тадбирларни ҳисоб-китоб қилиб, қишлоқ хўжалиги корхонасини ишлаб чиқариш фаолияти таҳлил этилади ва тезкор қарор-лар қабул қилиниди. Ахборотларни қайта ишлаш ва таҳлили, режалаштирилган ва амалда бажа-рилган тадбирларни иқтисодик самарадорлик кўрсаткичларини ва мумкин бўлган агроэкологик оқибатларни ҳиоблашни кўзда тутати.

Автоматлаштирилаган дастурий бошқариш тизимида ечиладиган масалалар бўлиб, қишлоқ хўжалиги майдонларини жорий мониторингини юритиш, озуқа элементларига боғлиқ ҳолда ҳосилдорликни башоратлаш ва режалаштирилган ҳосилдорликка боғлиқ ҳолда экин турини озуқа элементларига бўлган эҳтиёжини ҳисоблаш, кимёвий мелиорация воситаларига эҳтиёжни ҳисоблаш, технологик хариталарни автоматик тузиш, экин майдонлари ва хўжалик бўйича якуний маълумотларни олиш, экин майдонлари ва хўжалик бўйича гумус ва озуқа элементлари балансини ҳисоблаш, меҳнат сарфларини ҳисобга олган ҳолда механизаторни ҳисобга олиш варағини автоматик тузиш ҳамда иқтисодий кўрсаткичларни аниқлаш учун қишлоқ хўжалиги техникаси ва жиҳозларини автоматик ҳисобга олиш ҳисобланади. Натижада маҳсулот етиштиришнинг ҳар бир босқичида режалаштирилган ва амалдаги сарф-харажатларни таҳлил этиш имкони бўлади. Фарқ ёки оғиш кузатилса дастур дархол мос ечимларни қабул қилиш сабабларни аниқлаш имконини беради. Шундай қилиб, маҳсулотни таннархини назорати амалга оширилади.

Амалдаги ишларни автоматик ҳисобга олиш механизаторлар ишини назоратга олиш ва техникадан фойдаланишни назорат қилиш имконини беради.

Умумлаштирилган маълумотлар асосида ишлаб чиқариш фаолиятини агротехник ва иқтисодий тахлили содир бўлади. Хўжаликни ривожланишига тўсиқ омиллар таъсирини йўқотиш ёки пасайтириш, ресурслардан самарали фойдаланиш бўйича қарорлар қабул қилинади.

Шундай қилиб, компьютер технологияларига асосланган автоматлаштирилган дастурий-алгоритмик бошқариш тизими агротехник, агроэкологик ва иқтисодий шароитларни фазовий таҳлиliga асосланган ҳолда, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсификациялаш, муқобил бошқарув қарорларини қабул қилиш имконини беради

Агросаноат мажмуаси бошқарувида ахборот технологияларини ривожлан-тириш ва жорий этиш жуда муҳимдир. Қишлоқ хўжалиги техникасига эҳтиёт қисмларни ва арзон озукани қаердан олиш, илм фаннинг замонавий ютуқларини ҳисобга олиб чорва молларни озуқа рационини тузиш, ветеринария бўйича охирги пайтда қандай қарорлар ва қачон чиққан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қаерга жўнатиш фойдали? Бу саволларга яратилаётган дастурий ахборот-маълумот тизими ёрдам беради. Бу саволлар ихтиёрий қишлоқ хўжалиги корхонасини раҳбари олдида туради.

Бирламчи маълумотларни тўплаш, автоматлаштирилган ахборот-маълумот тизимида иш юритиш тизимини жорий этиш олис нуқталардагиларни ҳам ягона хужжатлар билан ишлаш имконини яратади, қарорларни тайёрлашни тезлаштиради ва уларни бажарилганлигини назоратини осонлаштиради.

Ахборот – маслаҳат ва тахлилий тизимларни яратиш, автоматлаштирилган ахборот-маълумот тизимидан туркумланган ахборотларни олиш имконини беради



### **3. Агросаноат мажмуасида ахборотлар таҳлили ва уларни**

#### **бошқаришни таркибий тузилиши**

Агросаноат мажмуаси тадқиқотлари жараёнида олинган маълумотлар қайта ишланиши, умумлаштирилиши керар.

Бунда: тартибга солиш,масштаблаштириш,умумлаштириш ва таҳлил қилиш соҳаларига ажратилади.

Маълумотларни тартибга солиш маълумотларни категория бўйича , уларни таҳрирлаш ва натижаларни кодлаштириш, шунунгдек уларни тоифалаштиришдан иборат. Категория бўйича маълумотларни тартибга солиш олдидан берилган шартли синф ёки зоналар бўйича амалгам оширилади.

Таҳрирлаш деганда ишлаш имконияти кўришга эга бўлган маълумотларни кўриб чиқиш тушунилади.Кўриб чиқилган материаллар маълумотларини кўринишила кўрсатиш уларни табеллаштиришни билдиради.

Шкалалаштириш аниқ ўлчамлари орқали аниқлаш асосида маълумотларни классификациялашни билдиради. Амалиётдан оминал шкала , тартибли шкала ва сон шкалалари қўлланилади.

Ахборотларни қайта ишлаш учун ёзма ва таҳлилий услублар ишлатилади.Маркетингда таҳлилий услублар ичида кўпроқ тренд тизими , регрессия ва коррелятсия услуби , дискриминант таҳлил , кластер таҳлили, омиллар таҳлили ва бошқалар қўлланилади.

Ахборотни қайта ишлаш , ҳисоблаш ва бошқариш учун тайёрлаш машина техникаси воситаси ёрдамида амалгам оширилади. Бажариладиган ҳисобларнинг аниқ ва оперативлигига қўйиладиган талабларга қараб, шунингдек уларнинг характерига кўра ҳисоблаш жадваллари ва

монограммалар, ҳисоблаш асбоблари, ҳисоблаш машиналари, компьютерлар ишлатилади.

Бозор муносабатларининг рағнақи эркин рақобат муҳитининг яратилиши шароитида маркетинг тадқиқотларига бўлган талабнинг ортиб бориши табиий жараён дир.

Харидор иштиёқи , дидидаги товарларни шакллантиришда , рақобат курашида муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга молик бўлган маркетинг тадқиқотларини самарали ташкил этиш ни амалга ошириш ҳозирги кунда энг долзарб аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз корхона ваташкйлоти фаолиятида мазкур тадқиқотларни жорий вастратегик жиҳатдаги вазифалардан бирига айланишини ва бу асосда бозорда рақобат қодир ва харидоргир бўлган Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган тамғали товарлар турини кўпайтиришни, хорижий фирмалар билан кенг кўламли ҳамкорликни таъминлаш лозим.

Агросаноат мажмуаси тадқиқотларини хўжалик юритиш фаолиятида етакчи аҳмиятга эга бўлиши кўп жиҳатдан маркетинг бўлимлари тизимини режалаштириш ва бошқаришда изчил тадбиқ этишга боғлиқ бўлади. Шу сабабдан маркетинг тадқиқотларини ўзлаштиришда ва амалга оширишда тегишли ташкилот ва корхонанинг мақсадлари ва стратегик ривожланиш хусусиятлари албатта экспорт белгиловчи омил сифатида намоён бўлади.

Бозорга кириш, ўрганиш ваунда етакчилик қилиш мақсадида амалга ошириладиган маркетинг тадқиқоти бир-бирдан ўз кўлами , услублари ва айрим жиҳатларига кўра кескин фарқланади. Хар бир ташкилот ва корхона ўзининг бозордаги ўрни, келгуси ривожланиши истагида муайян маркетинг тадқиқотларини амалга оширади. Ҳозирги пайтда маркетинг тадқиқотлари амалий жиҳатдан энг долзарб фаолият соҳаларидан бирига айланмоғи лозим.

Мукаммал ва тезкор амалгам оширилган тадқиқотлар кучли бозор рақобати шароитида, хатоларга йўл қўймаслик, фавқулотда ҳолатларга мослашиш имконини беради. Бу борада тадбиркорлик доирасида ишлаб чиқиладиган бизнес режаларига маркетинг тадқиқотлари ҳисоблари, натижалари акс эттирилиши диққатга сазовордир. Чунки бозор билан боғлиқ барча фаолият дастлабки бозор, харидор таҳлилига, унинг истагидаги ўзгаришларга таянади. Бу асосда эса тегишли ташкилотнинг келгуси фаолият соҳаси доираси аниқ белгиланади.

Агросаноат мажмуаси тадқиқотлари учун керакли ва зарурий бўлган ахборот ва маълумотлар кўламини муайян тартибга солиш вазифасини хал қилиш билан мамлакатимизда маданий тарздаги бозор тизими, унинг инфраструктураси барпо этилади. Айти пайтда амалга ошириладиган ислохотлар бу ўринда ўз самарасини бермоқда ва бу ҳозирги кунда қарор топаётган маркетинг ахбороти, жамият миқёсидаги самарали бўлган илғор лойиҳаларни амалга ошириш, корхона ва ташкилотларнинг экспорт салоҳиятини ошириш учун мустаҳкам замин яратади. Шу сабабли маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш ва амалга ошириш иқтисодиёт шу жумладан агросаноат мажмуаси тизимида ҳам маркетинг фаолияти самарадорлигини ошириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Агросаноат мажмуаси хусусида тўпланган барча ахборот ва хабарлар бошқаришда қарор қилишни қувватловчи қуйи тизим сифатида таҳлилий услублар, ишланмалар, қарор қабул қилиш моделлари, компьютер дастурларидан таркиб топади. Бошқариш доирасида қабул қилинаётган қарорлар маълум манбаларга таҳлилий натижаларга асосланган бўлиши табиийдир.

Моделлар банки тартиби ушбу расмда умумий жихатдан келтирилган. Амалий фаолиятда улар кўлами жуда кенг бўлиб, ташкилотда маркетинг фаолиятининг ташкил этилиши даражаси, зарурати ва салохиятига қараб кўп ёки кам қўлланилиши мумкин. Хозирги пайтда кўплаб маркетинг хизматларини таклиф этувчи фирмалар тайёр ҳолдаги моделларни компютер дастурлари сифатида сотмоқдалар. Шу жихатдан моделлар банки доимий кенгайиб боориш хусусиятига эга бўлиб бормоқда.

Маркетинг борасида қарор қабул қилишни қувватловчи қуйи тизимга бўлган заруратнинг келгусида ҳам ортиб бориши табиийдир., чунки ахборот кўлами ва миқдорнинг ниҳоят кўплиги ва уни бошқаришга сарфланадиган вақтни тежаш муҳим аҳамиятга эга. Моделлар банки воситасида эса ахборотни қайта ишлаш ва қарор қабул қилишда нисбатан кам хатога йўл қўйилади.

Жахонда фан, техника ва технологиялар алмашинуви юз бермоқда. Шу билан биргалликда бирор нарсанинг, фаннинг, ходисанинг қай даражада самарали юз бераётганини билишнинг энг мақбул йўлларида бири таққослашдир. Таққослаш усули орқали ҳар бир нарсанинг нафлилиги, самараси қандай эканлигига баҳо бериш мумкин.

Кишлоқ хужалиги ходимлари “Агросаноат мажмуасида ахборот таъминотини бошқариш”ни тезкор урганиб ва билиб олиш, амалий малака ва куникма хосил қилиш, амалда фойдаланишлари учун Интернет тармогига уланган, махсус амалий дастурлар билан жихозланган компьютар синф--лариди урганишлари лозим булади.

Агросаноат мажмуасида ахборот таъминотини бошқаришни асосий вазифалари ва масалаларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- агросаноат мажмуаси тармоқ таркиби;
- агросаноат мажмуаси тармоқлари ривожланишининг ҳозирги ҳолати;

- мажмуа тармоқларидаги ишлаб чиқариш омилларидан самарали фойдаланиш йўллари;

- агромаркетинг;

- агросаноат мажмуаси менежменти;

- агросаноат мажмуаси тармоқларини ривожлантириш йўналишлари.

Ушбу масалаларни тўғри тушуниш ва уларнинг ечимлари тўғрисидаги билимлар билан талабаларни, мутахассисларни қуроллантириш агросаноат мажмуасининг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Ўрганиш туфайли агросаноат мажмуаси тўғрисида, унинг иқтисодий масалалари, муаммолари ҳақида минимал билимлар мажмуасига эга бўлади. Турли тармоқлар иқтисодиётини алоҳида-алоҳида ўрганган мутахассисларни агросаноат мажмуасига кирувчи тармоқлар иқтисодий манфаатларини бир –бирига мослаштиришнинг зарурлиги тўғрисидаги билимлар билан қуроллантиради. иқтисодий билимлари янада мукамал бўлишини таъминлайди, уларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш жараёнида тўғри хулосалар чиқариш ва мўътадил қарорлар қабул қилишга ўргатади.

Агросаноат мажмуаси ахборот, молия ресурсларидан фойдаланишнинг энг мақбул йўллари ва самарали йўналишларини танлаш, кўрсатиш ушбу диссертация ишнинг вазифасига киради. Мамалакат иқтисодиётини барқарор ривожлантириш жуда муҳим вазифалардан ҳисобланади. Бу жараёнда агросаноат мажмуасининг ўрни беқиёс ҳисобланади. Мажмуанинг ривожланганлик даражаси мамлакат иқтисодиётининг ривожланишини белгилаб беради. Мажмуанинг ривожланиши унинг таркибига кирувчи барча тармоқларнинг ривожланишига боғлиқ. Бирор тармоқда мавжуд камчилик, оқсоқлик мажмуанинг бошқа барча тармоқларига ўз таъсирини кўрсатади. Шу сабабли агросаноат мажмуасига кирган тармоқ ва соҳаларни бир бирига мутаносиб ривожлантириш зарурати мавжуд. “Агросаноат мажмуада маркетинг ахборот таъминотини такомиллаштириш” юқоридаги ҳолатни

ҳисобга олган ҳолда зарур билимлар асосида бошқарувчи раҳбарнинг қарор қабул қилишда керакли имконият яратиши уни вазифаларидан биридир.

Агросаноат мажмуаси – қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, уларни тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш ва тайёр маҳсулотни истеъмолчиларга етказиб берувчи, ягона мақсадларга бўйсундирилган, технологик жиҳатдан устун даражада бир бири билан боғланган тармоқ ва хизматлар йиғиндисидир. Иқтисодий фан мамлакат, ҳудуд ва маҳсулот турлари бўйича “агросаноат мажмуаси” тушунчаларини фарқлайди. Шунга кўра агросаноат мажмуаси:

- Мамлакат агросаноат мажмуаси;
- Ҳудуд агросаноат мажмуаси;
- Ихтисослашган (гўшт, сут, дон, сабзавот ва полиз каби маҳсулот турларини етиштириш билан шуғилланувчи) агросаноат мажмуаларидан иборат.

Ихтисослашган агросаноат мажмуалари иккига бўлинади. Биринчиси, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи агросаноат мажмуаси. Иккинчиси ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи агросаноат мажмуаси. Бу агросаноат мажмуаларининг ҳар иккаласи ҳам алоҳида олинган товарлар (маҳсулотлар) бўйича агросаноат мажмуаларини ташкил этади.

Мамлакат агросаноат мажмуасига қишлоқ хўжалиги, агросаноат мажмуаси тармоқлари учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи тармоқлар (қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб чиқаувчи заводлар, омухта ем заводлари, минерал ўғитлар тайёрловчи заводлар ва х.з.), қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрловчи (пахта заводлари, донни қайта ишловчи элеваторлар, гўшт, сут комбинатлари, жун заводлари, пиллани қайта ишловчи заводлар ва бошқалар), қайта ишловчи ва тайёр, охириги маҳсулотларини истеъмолчиларга етказиб берувчи тармоқлар ва хизматлар қиради. Бундан ташқари ушбу жараёнларга хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма ҳам унинг таркибига қиради.

Агросаноат мажмуасининг таркибига фан, техника ва технологиянинг таъсири ҳам катта. Фан, техника ва технологиянинг ривожланиши одатда мамлакат агросаноат мажмуаси таркибига ижобий таъсир кўрсатади. Иқтисодийнинг ривожланиш қонуниятлари таъсирида агросаноат мажмуасининг таркиби такомиллашиб боради.

Ўзбекистон Республикасида асосий эътибор АСМнинг биринчи соҳасининг имкон даражасида ривожлантиришга қаратиш мақсадга мувофиқ. Чунки Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги техникалари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган, сақлайдиган соҳаларга техникаларига талаб катта. Ҳозирги кунда республика агросаноат мажмуаси ушбу техникаларнинг салмоқли бир қисмини хориждан келтиришга мажбур бўлмоқда.

#### **4. Агросаноат мажмуасида ахборот тизимлари тушунчалари**

Ахборот тизимларини замонавий талқини шахсий компьютарни ахборотларни қайта ишлашда қўлланиладиган асосий техник восита сифатида назарда тутати. Агар, ахборотга ишлов беришда инсоннинг роли инобатга олинмаса, ахборот тизимларининг техник жиҳатдан тадбиқ этилиши ўз-ўзидан ҳеч қандай маъно касб этмайди.

Бошқарув ахборот тизимлари – маълумотлар, иқтисодий – математик методлар ва моделлар, техник, дастурий ва бошқа технологик воситалар ва мутахассислар иборат бўлиб, маълумотларни қайта ишлаш ва бошқарув

қарорларини қабул қилиш учун мўлжалланган. Ахборот бошқарув тизими стратегик ва тактик режаларнинг жорий масалаларини ва ташкилотни тезкор бошқаришни ҳал этмоғи лозим.

Автоматлаштирилган ахборот тизимлари иш фаолияти давомида олинган тезкор маълумотлар асосида раҳбар ташкилотнинг ресурсларини (моддий, молиявий ва кадрлар) режалаштириши, балансга келтириши, ресурслардан фойдаланиб, бошқарув қарорларининг натижаларини ҳисобини олиши ва баҳолаши, қўйилган вазифани бажарилиши устидан тезкор бошқарувни ўрнатиши ва шу каби ишларни амалга ошириши мумкин.

Бошқарув ахборот тизимлари қуйидаги имкониятларни беради:

- маълумотларни тезкор йиғиш, узатиш ва қайта ишлаш ҳисобига қабул қилинган қарорларнинг асосланганлик даражасини ошириш;
- ташкилот бошқаруви бўйича ўз вақтида қарор қабул қилинишини таъминлаш;
- барча раҳбарлар таркибига ягона ахборот фондидан зарурий маълумотларни ўз вақтида тақдим қилиниши эвазига бошқарув самарадорлигини оширишга эришиш;
- бошқарувнинг ҳар қандай сатҳида ва турли тузилмалар бўлинмаларида қабул қилинган қарорларни мутаносаблаштириш.

Бошқарув ахборот тизимларини таснифлаш бошқарув жараёнларининг турларига, бошқарув сатҳига, ўрганилаётган объектнинг фаолият соҳасига ва объектнинг ташкил этилишига, бошқарувнинг автоматлаштирилганлик даражасига боғлиқ.

Автоматлаштирилган ахборот тизимлари- турли - туман ташкилотлар бошқарув қарорларини қабул қилиш учун зарур бўлган, автоматлаштирилган



тарзда маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва узатишни таъминловчи инсон-машина тизимидир.

Автоматлаштирилган ахборот тизимлари, маълумотларни қайта ишлаш бўйича барча амаллар автомат тарзда, инсон аралашувисиз, лекин унга назорат вазифалари қолдирилган ҳолда бажарилиши билан тавсифланади.

Автоматлаштирилган ахборот тизимларининг асосий ташкил этувчиси ахборот технологиялари бўлиб, унинг такомиллашуви ахборот тизимларининг ривожланиши ва фаолияти билан узвий боғлиқдир.

Автоматлаштирилган ахборот технологияларининг асосий мақсади — дастлабки маълумотларни қайта ишлаш воситасида янги сифатга эга бўлган ахборотларни олиш бўлиб, шунинг асосида оптимал бошқарув қарорларини ишлаб чиқишдан иборатдир. Бунга ахборотнинг интеграциялашуви, унинг долзарблиги ва бир-бирини инкор этмаслигини таъминланиши, бошқарув аппарати фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг сифат жиҳатдан янги шакллари жорий қилиш ва ишлатиш учун замонавий техник воситалардан фойдаланиш ҳисобига эришилади.

Ахборот тизимлари ва ахборот технологияларини яратиш мураккаб лойиҳалаштириш жараёнидир. У ташкилотда янги яратилаётган ахборот – технологик муҳит орқали бошқарув аппарати фаолиятини қисман ёки тўлиқ қайта кўриб чиқишни ўз ичига олади. Шу сабабли лойиҳалаштиришнинг мақсади лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва ташкилот бошқарувининг инсон-машина тизимини жорий этишдан иборат. Бундай тизим асосини мутахассис-мененджерларга маълумот жиҳатдан хизмат кўрсатиш учун зарур бўлган

нативавий ахборотни олишнинг автоматлашган технологияси ҳамда уларни реал вақт режимида асосланган қарорлар қабул қилишлари учун кўпвариантли ҳисоб-китоблар билан таъминлаш ташкил этади.

## **5. Агросаноат мажмуаси тизимида ахборот тизимини ташкил**

### **этиш ва бошқаришни ривожлантириш йўллари**

Агросаноат ишлаб чиқариш ва шу мажмуада ахборот таъминоти ва хизматлари кўрсатиш ягона (комплекс) мажмуа сифатида шаклланиши, ишлаб чиқариш кучлари ва муносабатларининг ривожланиши жараёнида юз берган қонуний ҳолат қайд этилди. Энди унинг яхши ва самарали фаолий кўрсатишини таъминлаш иқтисодиёт олдида турган биринчи даражали вазифа эканлигини таъкидлаш лозим бўлади. Бунинг учун эса агросаноат мажмуаси ва унинг тармоқ корхоналарининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда маркетинг фаолияти ва унга ахборот хизматлари кўрсатиш тизимлари ривожлантириш масаласига эътибор қаратиш муҳим аҳамийтга эга. Бевосита агросаноат тизими мажмуасида ахборот хизмати кўрсатиш масаласига тўхталиб айтиш таҳлил натижаларига кўра ҳозирги кунда мажмуа ва унинг вертикал ва горизонтал йўналишлар бўйича бевосита ахборот шу жумладан маркетинг ахборот хизматини кўрсатиш билан шуғулланувчи иxtисослашган таркибий тузилма мавжуд эмас. Мажмуа таркибига кирувчи тармоқ вазирликлари, компания, уюшма, холдингларнинг таркибида ахборот таҳлил ва маркетинг бўлимлари ёки бошқармалари фаолият кўрсатади. Ушбу бўлимларнинг асосий вазифаси қуйи ва турдош ташкилотлардан ахборот ва маълумотлар олиш, жамлаш ва ўз навбатида тегишли юқори ташкилотларга тақдим этиш билан шуғулланади. Худди шундай маркетинг бўлимлари ҳам асосан буюртмалар олиш ва

махсулотларни бажарадилар. Бундай ҳолат эса улар фаолияти самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади.

Республика агросаноат мажмуасининг миллий иқтисодиёда тутган ўрни ва аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда мажмуа ва уннинг таркибига кирувчи вазирлик, корхона ва ташкилотларда ҳам вертикал, ҳам горизонтал тартибда ишловчи ва хизмат кўрсатувчи алоҳида юридик мақомга эга бўлган ташкилот тузиш мақсадга мувофиқ. Мазкур ташкилот таркибида эса ахборот таъминота ва хизматлар кўрсатувчи турли жумладан маркетинг ахборот хизмати кўрсатиш каби бўлинмалар ташкил этиши мумкин бўлади.

Энди бевосита агросаноат мажмуаси корхоналарида ахбороти тизимини яратиш масаласин кўрсак, шу ўринда таъкидлаш лозимки, корхоналарда ва ташкилотларда ахбороти тизимини шакллантиришдан туриб, уларнинг бозор иқтисодиёти шароитида самарали фаолият кўрсатиши мумкин эмас.

Корхонаданинг асосий мақсади белгиланган вақт чегарасида ва фаолияти маблағлар билан таъминланиши доирасида рентабелликни таъминлаш ва белгиланган хўжалик ҳисобидаги фойдани олишдан иборат.

Ҳозирги замон корхонанинг ишлаб чиқариши ва тижорат фаолиятининг барча соҳаларини қоплаб олади. Корхоналарда маркетинг истеъмол кўрсаткичларини нафақат буюмлар турларида, балки қўйилган талаблар (асосий ўлчамлар ёки таърифловчи маркетинглар) даражаларида ўрганишни аниқлашдан бошланади.

Агросаноат мажмуаси фаолиятининг тажрибаси кўрсатадики, маркетинг хизматлари директорларининг ҳуқуқлари доираси ва рўли турли хил корхоналарда бутунлай бир-бирига ўхшамайди. Бирларида маркетинг –

директорлар сотиш хизматига раҳбарлик иқлиши, рекламага ва бозорнинг тадқиқоти бўйича ишни ташкил қилишга маблағларни тақсимлаш билан чекланади. Бошқасида маҳсулотлар навларини аниқлаш ва режалаштириш, нархларни белгилаш, сотиш тизимини қайта ташкил қилишда иштирок этадилар.

Агросаноат мажмуаси корхоналари, асосатсиялари фаолиятининг маркетинг хизматлари бўйича таҳлили кўрсатадики, бажарилаётган вазифаларнинг асосий қисми тижорат хизматлари бўлинмалари зиммасига юклатилган. Шу сабабли маркетинг хизматини тижорат блоки асосида ташкил қилиш мақсадга мувофиқ кўринади.

Агросаноат мажмуаси тадқиқотини доимо ҳаракатланувчи интегратсиялашган ахборот жароёнининг бир қисми сифатида кўриб чиқиш мумкин. Бизнинг фикримизча шу мақсадда корхонанинг АИЖи заминида ахборот тизимини яратиш мақсадга мувофиқ.

АТнинг асосий элементлари: агросаноат мажмуаси маълумотлар базаси услублар ва моделлар банки.

Агросаноат мажмуаси маълумотлар базаси бу қарор қабул қилиш учун ахборотларни олишга имкон берувчи маълумотларнинг таркиблаштирилган мажмуаси. У қуйидаги талабларни қаноатлантириши мумкин:

- маълумотлар қайтарилмаслиги зарур
- МБ таркибининг эпчиллиги
- МБни кенгайтириш имкониятлари
- Маълумотларнинг ишлаб чиқиш дастурини қўллашни мустақиллиги
- Фойдаланишнинг оддийлиги

Услублар ва моделлар банки ўз ичига маркетинг ахборотларининг ишлаб чиқиш услублари, арифметик оператсиялар, ситатистик услублар, жадвал

ишлаб чиқиш, башоратлар, оператсияларни тадқиқот қилиш услубларини олади.

АТни яратиш бир қатор авзалликларни таъминлайди, улардан энг муҳимлари қуйидагилар:

- ахборотларни ташкилий йиғиш
- муҳим маълумотларни сақлаш
- маркетинг режасини мувофиқлаштириш
- харажатлар ва фойдаларни таҳлил қилиш
- қабул қилинган қарорларнинг ўз вақтидалиги
- стратегик режалаштиришни амалга ошириш

## **6. Қишлоқ хўжалигида ахборот тизимини қуриш**

Республикаимиз қишлоқ хўжалигида ягона иқтисодий ахборот тизимини яратиш бу миллий иқтисодиёт ахборотлаштириш маконини ташкил қилувчи асосий омиллардан ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигида ягона иқтисодий ахборот тизимини яратишдан асосий мақсад ҳозирги шароитда вазирликлар, идоралар ва банк тизимини бир-бирлари билан алоқаларини замон талабларидан келиб чиққан ҳолда ташкил қилишдан иборат бўлиб, бунда ахборотни йиғиш, жамғариш, сақлаш ва таҳлил қилиш жараёнларини шакллантириш ҳисобланади.

Иқтисодий ахборот тизимини яратишнинг асосий шарт-шароитлари ва зарурияти шундан иборатки, мавжуд вазирлик идоралар ва молиявий соҳалар ишончли ахборот билан таъминланиб иқтисодий ўсишни таъминлаши зарур. Бу ўз навбатида ягона кенг кўламли тўлов баланси базасини амалга оширишни таъминлаб беради. Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики Ўзбекистон Республикаси тўлов балансининг ташкил қилувчи ахборот базасини асосан қуйидаги вазирлик, ташкилот ва идоралар таъминлаб беради.

Кўрсатилган манбалар ахборот базасини бирламчи ахбороти ҳисобланиб, бунда Молия вазирлиги асосий ахборот етказиб берувчилардан ҳисобланади.

Иқтисодиёт вазирлигида ягона иқтисодий ахборот тизимини яратиш республикада ягона ахборотлаштириш миллий тизимини ҳал қилувчи омилларидан бири ҳисобланади. Иқтисодиёт вазирлиги яқиндагина ташкил топган ташкилот бўлиб, макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигини қайтадан ташкил қилиш натижасида вужудга келди. Иқтисодиёт вазирлиги республикамиздаги барча вазирликлардан, идоралардан ахборотни қабул қилиб, олинган ахборотни таҳлили асосида қарорлар қабул қилиш учун шарт-шароит яратиб бермоқда. Мамлакатдаги асосий ахборот базаси тадқиқ қилиниб, таҳлиллар бу соҳада банк сектори етакчи эканлигини кўрсатмоқда. Ягона иқтисодий ахборот тизимини иқтисодиёт вазирлигида яратиш, ахборотни тезкор равишда олиб, бу соҳада ишловчиларни ҳисоботлар йиғишдаги машшаққатли меҳнатларига амалий ёрдам беради.

2000 йилдан бошлаб Ўзбекистон Молия вазирлигида глобал интегрирлашган ахборот-аналитик тизими ишга тушиб республикамиз бюджетига оид фаолиятни ахборот билан таъминлаб, қуйидаги ишларни амалга оширишни назарда тутади:

- республика бюджети (РБ) харажатларини шакллантириш;
- республика бюджети харажатларини аниқлаш;
- республика бюджети бўйича режалаштириш ва индексацияни аниқлаш;
- пул маблағлари билан молиялаштириш;
- мақсадли молиялаштириш схемалари бўйича ҳисоб олиб бориш;
- республика бюджети ғазна ва ҳақиқий харажатларини ҳисоблаш;
- маҳаллий бюджет тушумларини ҳисоблаш;
- республика бюджети харажатларини аниқлаш ва башорат қилиш;

- бюджет ташкилотлари ўртасида қисқа муддатли судалар, субсудалар ва ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш.

Глобал интегрирлашган ахборот-аналитик тизими ёрдамида ҳар куни республикамиз Молия вазирлигига 214 та тижорат банкларидан, валюта биржасидан, Марказий банкдан ахборот узатилиб, Молия вазирлигидан эса бу ташкилотларга қайта ишланган ахборот ва маълумотлар юборилади. Бундан кўриниб турибдики, республикамиз молия тизими ягона иқтисодий ахборот тизимини куришга ҳар томонлама тайёр турибди.

Шунга қарамасдан бу соҳада ечимини кутаётган масалалар, муаммолар жуда кўп. Ҳозирги пайтда солиқ ахборотини қайта ишлаш вазифасини бажарувчи техник воситаларнинг 50 фоиздан кўпроғи маънавий эскирганлиги сабабли ягона иқтисодий ахборот тизими талабларига жавоб бера олмайди. Шу сабабли бу соҳага қўшимча замонавий компьютерларни жалб этиш масалалари ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан биридир. Республикамиздаги давлат солиқ қўмитасида ишлатилаётган 100 дан ортиқ локал ҳисоблаш тармоқлари эскирганлиги сабабли уларни янгилаш зарурияти туғилмоқда. 2004 йилда Давлат солиқ қўмитаси томонидан экспорт-импорт ташқи савдо операцияларини амалга оширувчи ахборот тизими мавжуд бўлиб, Марказий банк, Молия вазирлиги, ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги ва тижорат банклари ахборот ресурсларини интеграция фаолиятини мужассамлаштиради.

Республика қишлоқ хўжалигида ахборотлаштириш тизимини шакллантиришда банк ягона иқтисодий ахборот тизимини яратиш зарурияти энг долзарб муаммолардан бўлиб, бу соҳадаги тижорат банклари ҳам энг йирик ахборот етказиб берувчилардан ҳисобланади

Ҳозирги пайтда Марказий банк томонидан электрон тўловлар тизими тўлақонли ишлаб турибди. Бу тизим банклар ўртасида ахборотни юқори даражада ўтказиш лаёқатлилиги, хужжатларни тезкор қайта ишлаш қобилияти билан донг таратган.

## ХУЛОСА

Демак, биз ўрганган агросаноат мажмуасида ахборот таъминоти ва ахборот хизмати кўрсатиш асосан маркетинг функцияларидан бири бўлган агросаноат мажмуаси тадқиқотлари тизимига кирар экан.

Агросаноат мажмуаси ахбороти дегани маълум бир бозор субъекти, унда рўй берадиган ички ва ташқи жароёнлар ҳамда атроф-муҳит тўғрисидаги маълумотлар ва билимлар мажмуаси тушунилади. Корхонанинг бозор фаолиятида ҳар доим унинг истеъмолчилари, рақиблари, диллерлар ва бошқа ички ва ташқи муҳити тўғрисида ахборотлар зарур бўлади. Корхона учун маркетинг ахборотларидан фойдаланиш қуйидаги имкониятларни яратади:

- бозорда аниқ устуворликка эришиш
- фаолият учун молиявий хавф-хатарни камайтириш
- истеъмолчилар муносабатини аниқлаш
- ташқи муҳитни кузатиб туриш
- стратегияни бошқариб туриш
- рекламага ишончни орттириш
- қарорларни тўғри қабул қилишга ишонч ҳосил қилиш
- самарадорликни яхшилаш ва бошқалар.

Агросаноат мажмуаси борасида қарор қабул қилишни қувватловчи қуйи тизимга бўлган заруратнинг ортиб бориши табиий. Ахборот кўлами ва миқдорининг ниҳоят кўплиги ва уни бошқаришга сарфланадиган вақтни тежаш муҳим аҳамиятга эга.



Ҳозирги вақтда давом этаётган жаҳон молиявий инқирози шароити Ўзбекистон Республикаси томонидан экспорт қилинаётган маҳсулотлар нарҳининг тушиб кетаётганлиги ҳам иқтисодиётимизга ўз салбий таъсирини ўтказмоқда. Фермер ва қишлоқ хўжалиги ишчиларининг билим савиясини ошириш орқали қишлоқ хўжалиги ривожланишини жадаллаштириш ахборот маслаҳат тизимининг асосий функцияси бўлиб ҳисобланади. Ахборот маслаҳат тизими қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ишчиларига оқилона қарор қабул қилишда ёрдам кўрсатади деб ҳисоблаймиз.

Қишлоқ хўжалигида фойжаланиладиган ер майдонларининг агроэкологик маълумотларини йиғиш, кайд этиш ва таҳлил қилиш, тезкор қарорларни қабул қилиш учун агросаноат мажмуаси таркибида ахборотли бошқариш самарадорлигини оширишга йуналтирилган дастурий тизим таклиф этилади.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. А.Н. Арипов ва бошқалар. Давлат бошқарувида АКТ. Тошкент – 2007
2. Р. Х. Алимов, Б.Ю.Ходиев, К.Алимов ва бошқалар “Миллий иқтисодда ахборот тизимлари ва технологиялари”. Тошкент – 2004
3. С. Ғуломов ва бошқалар “Ахборот тизимлари ва технологиялари” Тошкент , 2000
4. С. Ғуломов ва бошқалар “Иқтисодий информатика”. Тошкент – 1999
5. Аюпов Р.Х. Интернет тизимида ишлаш. - Т.;, 2006. -237 бет.
6. Аюпов Р.Х. «Информатика ва ахборот технологиялари», 1 ва 2-кисмлар. - Т.;, 2005. -217 ва 235 бетдан
7. Зокирова Т., Ибрагимов Э. Веб-технологиялар. Тошкент, ТДИУ, 2007
8. Зокирова Т., Мусаева Н. Интернет технологиялар. Т, ТДИУ, 2007
9. Машарипов М., Ибрагимов Э. Ахборот технологиялари. Тошкент, ТДИУ, 2007 йил. – 194 бет.
10. Информатика. Ахборот технологиялари. Уқув кулланмаси. 1-2 кисмлар. Тузувчилар: М.М. Арипов ва бошқ.. ТДТУ, Т, 2003
11. Аюпов Р.Х., Илхомова Е. Компьютер тармоқлари ва интернет тизими. Т., ТМИ, 2002 йил
12. Хакимов Р. Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти. Дарслик. Тошкент Давлат Иқтисодиёт университети. 2009.
13. Р.Х.Хусанов Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотлар ва аграр иқтисодиёт. “Янги аср авлоди”, Тошкент, 2004
14. Миллий иқтисодда ахборот тизимлари ва технологиялари. Ўқув кўлланма. / С.С. Ғуломовнинг умумий таҳрири остида. – Т.: Шарқ, 2004. – 320 б.